

# Халқ депутатлари Қумқўрғон тумани Кенгашининг 6-чақириқ 51-сессияси



## КУН ТАРТИБИ

- йил 21 июл
1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 январдаги ПФ-5633-сонли Фармонининг тумандаги ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қумқўрғон туманидаги Халқ қабулхонаси мудирининг ахбороти.
  2. Қумқўрғон туманида норма ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳақидаги туман адлия бўлими бошлиғи Р.Ж.Султановнинг ахбороти тўғрисида.
  3. **Жиноят ишлари бо‘йича Қумқўрғон туман суди, Қумқўрғон туманлараро иқтисодий суди ҳамда фуқаролик ишлари бўйича Қумқўрғон туманлараро судлари томонидан 2022 йил 6 ойи давомида амалга оширилган ишлар юзасидан ахборотлари тўғрисида**
  4. О‘збекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 24-ноябрдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари то‘ғрисида”ги ПФ-6118-сонли Фармони ижроси юзасидан Мажбурий ижро бюроси туман бўлимининг 2022-йилнинг 6 ойи давомида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботи то‘ғрисида.
  5. Депутатлар сайлови яқунлари то‘ғрисида
  6. Қумқўрғон тумани маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан маблағ ажратиш тўғрисида
  7. Бошқа масалалар.

**Халқ депутатлари туман Кенгашининг  
эллик биринчи сессияси**

## ИШ РЕГЛАМЕНТИ

- |    |                       |   |               |
|----|-----------------------|---|---------------|
| 1. | Маърузалар учун       | - | 15 дақиқагача |
| 2. | Сўзга чиқувчилар учун | - | 3 дақиқагача  |
| 3. | Маълумотлар учун      | - | 3 дақиқагача  |

1-масала ЛОЙИХА

**Ўзбекистон Республикаси**

**Халқ депутатлари Сурхондарё  
вилояти**

**Қумқўрғон тумани Кенгаши**

**ҚАРОРИ**

**Ўзбекистон Республикаси**

**Халқ депутатлари**

**Сурхондарё вилояти**

**Қумқўрғон тумани Кенгаши**

**ҚАРОРИ**

20\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ № \_\_\_\_\_

Қумқўрғон т.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли муаммолари билан  
ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”  
2019 йил**

**17 январдаги ПФ-5633-сонли Фармонининг тумандаги ижроси бўйича  
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қумқўрғон туманидаги Халқ  
қабулхонаси мудирининг ахбороти ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қумқўрғон туманидаги Халқ  
қабулхонаси мудирининг Р.Тухтаевнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2019 йил

17 январдаги ПФ-5633-сонли Фармонининг тумандаги ижроси бўйича ахборотини тинглаб, билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, халқ депутатлари Қумқўрғон тумани Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қумқўрғон туманидаги Халқ қабулхонаси мудирининг Р.Тухтаевнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5633-сонли Фармонининг тумандаги ижроси бўйича ахбороти маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.
2. Тумандаги сектор раҳбарлари Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги ПҚ-4102-сонли қарори ҳамда 2019 йил 17 январдаги ПФ-5633-сонли Фармони ижроси юзасидан олиб борилаётган ишларини янада яхшилаши лозимлиги таъкидлаб ўтилсин.
3. Аҳоли томонидан энг кўп келиб тушаётган мурожаатлар, Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Қумқўрғон туман бўлими (М.Қорахонов) ҳамда Ўзбекистон Республикаси бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси Сурхондарё вилоят Қумқўрғон туман бўлими (С.Бутаёров)ларга тўғри келаётганлигини инобатга олиб, ҳар бир мурожаатнинг сифатли қонуний асосланганлигини ҳолда бажарилишини таъминлаб, ижобий ҳал этилишига алоҳида эътибор қаратилсин.

#### 4.Тумандаги секторлар раҳбарларига:

ижтимоий масалалар жумладан, уй-жой коммунал, йўл, энергия, сув ва иссиқлик таъминоти, ижтимоий муҳофазанинг манзиллилиги, ижтимоий соҳа объектлари, энг аввало соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа муассасаларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш ҳамда бу борадаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, айниқса вояга етмаганлар, ёшлар ҳамда хотин-қизлар ўртасида профилактика ишларини ташкил этиш;

ҳар бир сектор раҳбарлари ўз ҳудудида ҳафтада камида бир марта фуқаролар қабулини ва ойда бир марта сектор штабида “Тадбиркорлар куни”ни ташкил этиб, уларнинг муаммоларини ечиб бориш тизимини самарали ташкил этиш вазифаси топширилсин.

5. Туман ҳоқимлигининг матбуот хизматига, “Қумқўрғон садоси” газетаси таҳририяти (Р.Менгзияева)лар билан биргаликда:

секторлар раҳбарларининг сайёр қабуллари бўйича лавҳалар тайёрлаб, вилоят ҳамда республика телевидениесида мунтазам узатиб бориш;

туманни комплекс ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш бўйича ҳудудлардаги секторлар фаолиятини ҳамда белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилишига алоқадор корхона ва ташкилот раҳбарлари томонидан йўл қўйилган хато-камчиликларни танқидий ёритиб бориш тавсия этилсин.

6. Ушбу қарор ижроси назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупсияга қарши курашиш бўйича доимий комиссияси раиси М.Намозов зиммасига юклатилсин.

7. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

**Раислик қилувчи**

**Ч.Қултаев**

2-масала ЛОЙИХА

**Ўзбекистон Республикаси**

**Халқ депутатлари Сурхондарё  
вилояти**

**Қумқўрғон тумани Кенгаши**

**ҚАРОРИ**

**Ўзбекистон Республикаси**

**Халқ депутатлари**

**Сурхондарё вилояти**

**Қумқўрғон тумани Кенгаши**

**ҚАРОРИ**

20\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ № \_\_\_\_\_

Қумқўрғон т.

**Қумқўрғон туманида норма ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти  
ҳақидаги туман адлия бўлими бошлиғи Р.Ж.Султановнинг ахбороти  
тўғрисида.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги “[Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида](#)”ги Фармонининг 6-банди ижроси юзасидан Қумқўрғон туман адлия бўлими бошлиғи Р.Ж.Султановнинг норма ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг 2022 йил ИИ-чорак давомида амалга оширилган ишлари бўйича ахбороти эшитилди. Ахборотини тинглаб, билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, халқ депутатлари Қумқўрғон тумани Кенгаши **қарор қилади**:

1. Қумқўрғон туман адлия бўлими бошлиғи Р.Султановнинг 2022 йил ИИ-чорак давомида давлат органлари ва ташкилотлари туман тузилмаларининг норма ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳолати тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.
2. Туман ҳокимлигига:

туман ҳокимлиги ва халқ депутатлари туман Кенгашлари томонидан фаолияти давомида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий тусдаги қарор лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталига жамоатчилик муҳокамаси ўтказилиши учун жойлаштирилишини, лойиҳаларни қонун ҳужжатлари ва мамлакатимизда амалга ошириладиган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларига мослиги юзасидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ҳамда экспертиза хулосасини ҳудудий адлия органи билан келишиш учун, шунингдек қабул қилинган қарорларни расмий нашрда эълон қилиш ва веб-сайтга жойлаштириш, уларнинг электрон шакли ва нусхасини белгиланган тартибда давлат ҳисобига олиш учун вилоят адлия бошқармасига тақдим этиш мақсадида туман адлия бўлимига юборилишини таъминлаш чоралари кўрилинсин.

2. Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатларига:

давлат органлари ва ташкилотлари туман тузилмаларининг ҳуқуқни қўллаш амалиёти бўйича фаолияти давомида аниқланган камчиликларини бартараф этиши юзасидан бу борада уларнинг масъулиятини оширишга қаратилган таъсирчан назоратни амалга ошириш;

фаолияти давомида ҳуқуқни қўллаш амалиёти бўйича дуч келган қонун ҳужжатларидаги бўшлиқ ва қарама-қаршиликлар юзасидан ўз таклифларини туман адлия бўлимига киритиб бориш тавсия этилсин.

3. Давлат органлари ва ташкилотлари туман тузилмаларининг раҳбарларига:

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қабул қилинган қарорларида давлат органлари ва ташкилотлари туман тузилмаларига берилган топшириқларнинг ижросини ташкиллаштириш юзасидан зарур чоралар кўрилиши;

соҳа фаолиятига оид қабул қилинаётган қонун ҳужжатлар матинларини электрон тарзда қабул қилиб олиш ҳамда уларнинг мазмун ва моҳиятини ижрочилар ва қўйи тузилмаларга етказиш ҳамда аҳолини хабардор қилиш бўйича туман адлия бўлими билан доимий равишда ҳамкорликни олиб борилиши;

қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этишда ҳамда ўз ваколатлари доирасида жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда юридик хизматини ташкил этишда тегишли қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиниши таъминлансин.

#### 4. Туман адлия бўлими бошлиғи (Р.Султанов)га қўйидагилар:

қабул қилинган қонун ҳужжатларини давлат органлари ва ташкилотлари туман тузилмаларининг масъулларга етказиш, тушунтириш, амалиётда қўллашга кўмаклашиш ва назорат қилиш;

ҳуқуқий ёрдам олишга муҳтож хотин-қизларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш;

давлат органлари ва ташкилотлари туман тузилмалари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда соҳаларга оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир манзилли ҳуқуқий тарғибот тадбирларининг самарадорлигини ошириш ҳамда бу соҳада давлат органлари ва ташкилотлари туман тузилмаларининг амалга оширган ишларини мувофиқлаштириб бориш тавсия этилсин.

#### 5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссияси (М.Намозов) зиммасига юклатилсин.

3-масала ЛОЙИХА

**Ўзбекистон Республикаси**

**Халқ депутатлари Сурхондарё  
вилояти**

**Қумқўрғон тумани Кенгаши**

**ҚАРОРИ**

**Ўзбекистон Республикаси**

**Халқ депутатлари**

**Сурхондарё вилояти**

**Қумқўрғон тумани Кенгаши**

**ҚАРОРИ**

20\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ № \_\_\_\_\_

Қумқўрғон т.

**Жиноят ишлари бо‘йича Қумқўрғон туман суди, Қумқўрғон туманлараро иқтисодий суди ҳамда фуқаролик ишлари бўйича Қумқўрғон туманлараро судлари томонидан 2022 йил 6 ойи давомида амалга оширилган ишлар юзасидан ахборотлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонунларнинг ижросини таъминлаш, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, давлат ва жамоат манфаатларини, корхона, ташкилот муассасалар, яқка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида туманда фаолият кўрсатаётган судларнинг “2022 йилда фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликлари, шунингдек, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилиш, туманда қонун устуворлигининг таъминланиши бўйича амалга оширишга доир фаолияти тўғрисида”ги ахборотларини тинглаб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 24-моддасига асосан халқ депутатлари туман Кенгаши

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

- 1. Жиноят ишлари бо‘йича Қумқўрғон туман суди, Қумқўрғон туманлараро иқтисодий суди ҳамда фуқаролик ишлари бўйича Қумқўрғон туманлараро судлари томонидан 2022 йил 6 ойи давомида**

**амалга оширилган ишлар юзасидан ахборотлари** ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. **Жиноят ишлари бо'йича Қумқо'рғон туман суди, Фуқаролик ишлари бо'йича Қумқўрғон туманлараро суди, Қумқўрғон туманлараро иқтисодий суди (О.Эргашев, Ф.Хидиров, С.Аллабердиев)ларга:**

- судларда фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш;

- қонун устуворлиги, аҳолининг тинчлиги ва тотувлигини таъминлашни устувор вазифа сифатида бажариш;

- суд ҳужжатлари барқарорлигини таъминлашга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгилаб, халқ депутатлари туман Кенгашига маълумот тақдим қилиб бориш;

- суд-ҳуқуқ масалалари, коррупсия ҳолатлари ва унга қарши курашиш тўғрисида жисмоний ва юридик шахслар ҳамда уларнинг вакилларида келиб тушаётган ҳужжатлар ва бошқа материалларнинг ўрганиш натижаларини умумлаштириш ва таҳлил қилиш, мазкур ишларнинг натижалари ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиб бориш;

- сайёр суд мажлисларига халқ депутатлари туман Кенгаши депутатларини таклиф этиш;

- Мажбурий ижро бюроси Қумқўрғон тумани бўлими иш юритувидаги суд ҳужжатларининг ижроси юзасидан мониторинг ўрнатиб, аниқланган қонунбузулиш ҳолатлари юзасидан туман прокуратурасига маълумот бериб бориш вазифалари юклатилсин.

3. **Жиноят ишлари бо'йича Қумқўрғон тумани суди раиси (О.Эргашев) га:**

Келгусида ҳам одил судлов фаолиятини та'минлаш борасида белгиланган муҳим чора-тадбирлар, судьялар томонидан о'з қасамёди, одоб-ахлоқига зид равишда ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этиш ҳолатларига чек қо'йиш бо'йича кечиктириб бо'лмайдиган чора-тадбирлар ижросини та'минлашни изчил давом эттириш.

4. Қумқўрғон туманлараро иқтисодий ишлар суди (С.Аллабердиев)га низоларни ҳал қилишда судгача келишув битими ёки низоларни ҳал қилишнинг муқобил усулларини тузишга эришиш, бунда ҳакамлик суди ва медиатсия институти имкониятларидан фойдаланган ҳолда чоралар кўриш тавсия этилсин.

5. Фуқаролик ишлари бўйича Қумқўрғон туманлараро суди в.в.б (Ф.Хидиров)га оилавий ва мулкый низоларни кўриб чиқишда медиаторлик институти имкониятларидан фойдаланиш;

-оилавий низоларни депутатлар иштирокида ҳал этиш чораларини кўриш тавсия этилсин.

6. Туман Ички ишлар бўлими (Н.Нарзуллаев)га ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича 2022 йилга мўлжалланган аниқ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш;

- ошиб бораётган жиноят турлари, улар келтириб чиқараётган оқибатлар тўғрисида жамоатчиликни ҳар чоракда хабардор қилиб, бундай турдаги жиноятларнинг олдини олиш бўйича тегишли чоралар кўриш вазифасини топширилсин.

7. 7. Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатларига:

- судлар билан биргаликда маҳаллаларда ўтказиладиган йиғилишларда ва сайёр суд мажлисларида иштирок этиш;

-туманда содир бўлган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларни маҳалла раиси, профилактика инспектори, маҳалла фаоллари ва жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш тавсия этилсин.

8. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари туман Кенгашининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупсияга қарши курашиш бўйича доимий комиссияси (М.Намозов) зиммасига юклатилсин.

**Раислик қилувчи**

**Ч.Қултаев**

4-масала ЛОЙИХА

**Ўзбекистон Республикаси**

**Халқ депутатлари Сурхондарё  
вилояти**

**Қумқўрғон тумани Кенгаши**

**ҚАРОРИ**

**Ўзбекистон Республикаси**

**Халқ депутатлари**

**Сурхондарё вилояти**

**Қумқўрғон тумани Кенгаши**

**ҚАРОРИ**

20\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ № \_\_\_\_\_

Қумқўрғон т.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 24-ноябрдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари то‘ғ‘рисида”ги ПФ-6118-сонли Фармони ижроси юзасидан Мажбурий ижро бюроси туман бо‘лимининг 2022-йилнинг 6 ойи давомида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботи то‘ғ‘рисида.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йилда 24-ноябрдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари то‘ғ‘рисида”ги ПФ-6118-сонли Фармони ижросини та‘минлаш мақсадида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти то‘ғ‘рисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 6,24-моддаларига асосан, Халқ депутатлари Қумқўрғон тумани Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. О'збекистон Республикаси Президентининг 2020-йилда 24-ноябрдаги "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари то'ғ'рисида"ги ПФ-6118-сонли Фармони ижроси юзасидан Мажбурий ижро бюроси Қумқо'рг'он тумани бо'лими бошлиғ'и С.Қурбоновнинг 2022-йил 6-о'йи давомида амалаг оширилган ишлар юзасидан ҳисоботи ма'лумот учун қабул қилинсин.

2. Мажбурий ижро бюроси Қумқо'рг'он тумани бо'лими бошлиғ'и С.Қурбоновга:

- Мажбурий ижро бюроси Қумқо'рг'он тумани бо'лимининг иш фаолияти юзасидан белгиланган муддатларда Халқ депутатлари Қумқо'рг'он тумани Кенгашига ҳисобот тақдим этиб бориш;

- бо'лим иш юритувида мавжуд бо'лган 6 931 та 81 млрд. 215,3 млн. со'млик ижро ишларини о'з вақтида о'ндирилишини;

- ижро ҳужжатлари бо'йича хатланган мол-мулкларни сотиш учун тумандаги аҳоли гавжум бозорлар ҳамда савдо марказларида ярмаркалар ташкил этиш чораларини ко'риш.

- фуқаролар ва тадбиркорлар ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларининг ишончлиҳимоясини та'минлаш, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини о'з вақтида ва сифатли ижро этишнинг самарали механизмларини жорий этиш;

- ижро ҳужжатлари бо'йича хатланган мол-мулкларни сотиш учун аҳоли гавжум бозорлар ҳамда савдо марказларида ярмаркалар ташкил этиш, оммавий ахборот ва ижтимоий тармоқлар орқали кенг жамоатчиликга э'лон қилиш чораларини ко'риш вазифалари юклатилсин.

3. Халқ депутатлари туман Кенгашининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупсияга қарши курашиш бо'йича доимий комиссияси раиси (М.Намозов)га:

- Давлат ёки давлат органлари фойдасига ёхуд улар манфаатларини ко'злаб берилган ижро ҳужжатларини ижросиз қайтариб олиш ҳолатларини доимий комиссия йиг'илишларида муҳокама қилиб бориш, бунда асосиз қайтариб олиш ҳолатларига ёл қо'йган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш бо'йича юқори турувчи ташкилотларга тавсиялар киритиш;

4. Туман ҳокимлиги Ахборот хизмати (А.Сафаров), "Қумқо'рг'он садоси" газетаси (Р.Менгзияева)ларга:

- О'збекистон Республикаси Президентининг 2020-йилда 24-ноябрдаги "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро о'тиш тизимини янада

такомиллаштириш чора-тадбирлари то'ғ'рисида"ги ПФ-6118-сонли Фармони ижроси юзасидан Мажбурий ижро бюроси Қумқо'рг'он тумани бо'лими томонидан амалга оширилаётган ишлар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш тавсия этилсин

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Қумқо'рг'он тумани Кенгашининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупсияга қарши курашиш бо'йича доимий комиссияси раиси М.Намозов зиммасига юклансин.

**Раислик қилувчи**

**Ч.Қултаев**

5-масала ЛОЙИХА

**Ўзбекистон Республикаси**

**Халқ депутатлари Сурхондарё  
вилояти**

**Қумқўрғон тумани Кенгаши**

**ҚАРОРИ**

**О'збекистон Республикаси**

**Халқ депутатлари**

**Сурхондарё вилояти**

**Қумқўрғон тумани Кенгаши**

**ҚАРОРИ**

20\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ № \_\_\_\_\_

Қумқўрғон т.

**Депутатлар сайлови яқунлари то'ғ'рисида**

Халқ депутатлари Қумқўрғон тумани Кенгашига сайлов о'тказувчи 25-Оққочиг'ой сайлов округида ваколати муддатидан олдин тугалланган бо'ш депутатлик о'ринларига туман сессиясининг қарорига ко'ра сайлов о'тказилди.

О'збекистон Республикаси Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми то'ғ'рисидаги Қонунининг 3-моддасига асосан о'тказилган округлардаги сайловларнинг ва туман сайлов комиссияси раисининг сайлов яқунлари бо'йича берган хулосасини муҳокама қилган ҳолда Халқ депутатлари Қумқо'рг'он тумани Кенгаши

## **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Халқ депутатлари Қумқо'рг'он тумани Кенгаши депутатларини ро'йхатга олиш то'ғ'рисидаги Халқ депутатлари Қумқо'рг'он туман Кенгашига сайлов о'тказувчи Қумқо'рг'он тумани сайлов комиссиясининг қарори ма'лумот учун қабул қилинсин.
2. Унга ко'ра, 25-Оққопчиг'ой сайлов округидан сайланган Холтураев Абдувоҳиднинг депутатлик ваколатлари тасдиқлансин.

**Раислик қилувчи**

**Ч.Қултаев**

6-масала ЛОЙИХА

**Ўзбекистон Республикаси**

**Халқ депутатлари Сурхондарё  
вилояти**

**Қумқўрғон тумани Кенгаши**

**ҚАРОРИ**

**Ўзбекистон Республикаси**

**Халқ депутатлари**

**Сурхондарё вилояти**

**Қумқўрғон тумани Кенгаши**

**ҚАРОРИ**

20\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ № \_\_\_\_\_

Қумқўрғон т.

**Қумқўрғон тумани маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари  
ҳисобидан маблағ ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 126-моддасига мувофиқ туман маҳаллий бюджетининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш бўйича халқ депутатлари Қумқўрғон тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 126-моддасига мувофиқ маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тартиби белгилаб қўйилганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.
2. Туман ҳокимлиги ҳамда мутасадди ташкилотларнинг туман маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан маблағ ажратиш юзасидан

киритган таклифлари маълумот учун қабул қилинсин.

3. Туман маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари қуйидагилардан ташкил топади:

Туман маҳаллий бюджетининг ҳар йил бошида аниқланадиган эркин қолдиқ маблағларидан;

Туман маҳаллий бюджети даромадларининг биринчи - учинчи ҳисобот чораклари яқунлари бўйича аниқланадигандаромадларни прогноздан ошириб бажарилишидан;

давлат активларини хусусийлаштиришдан туман маҳаллий бюджетига тушган маблағлардан;

давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализатсия қилишдан туман маҳаллий бюджетига тушган тушумлардан;

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 120-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ туман маҳаллий бюджетидан ажратиладиган маблағлар камайтирилиши натижасида бўшаб қолган маблағлардан.

4. Туман маҳаллий бюджетининг жорий йил 2-чорак белгиланган даромадлар режасининг оширилиб бажарилган қисми **910 000** минг.сўмни ташкил этганлиги тасдиқлансин.
5. Туман маҳаллий бюджетининг жорий йил 2-чорак белгиланган даромадлар режасининг оширилиб бажарилган қисми ҳисобидан маблағлар 1-иловага асосан ажратилсин.
6. Маҳаллий бюджетнинг қўшимча шаклланган маблағлари фавқулотда вазиятларда ва шунга ўхшаш кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилиши талаб этиладиган ҳолларда Кенгашга кейин ҳисобот бериш шарти билан ҳокимининг қарори асосида йўналтирилиши мумкинлиги белгилансин.
7. Туман маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари туман маҳаллий бюджети ҳисобидан молиялаштирилиши назарда тутилмаган ташкилотларни жорий сақлаб туриш харажатлари учун йўналтирилишига йўл қўйилмаслиги белгилансин.
8. Туман маҳаллий бюджетининг қўшимча манбаларидан маблағ олувчиларнинг раҳбарлари ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилиши, шунингдек ушбу маблағларни ажратилиши учун тақдим этиладиган барча ҳужжатларнинг ҳаққонийлигига шахсан жавобгар эканлиги белгилансин.
9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Халқ депутатлари Қумқўрғон тумани Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни

ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси С.Турақулов  
зиммасига юклатилсин.

**Раислик қилувчи**

**Ч.Қултаев**

**Туман маҳаллий бюджетининг жорий йил туман  
даромадлар режасининг оширилиб бажарилган**

<b>№</b>	<b>Маблаг' ё'налтирилган соҳа номи</b>	<b>Маблаг' ё'налтирилган ташкилот номи</b>	<b>Шаклланган қо'шимча манба (минг со'мда)</b>	<b>Маблаг' ё'нал мақсади</b>
	<b>Туман маҳаллий бюджетининг 2-чорак ДРОБҚҲ маблағлари</b>		<b>910 100</b>	<b>х</b>

1	“Очиқ бюджет” ахборот портал орқали жамоатчилик фикри асосида шаклландиган тадбирларни молиялаштириш	Туман ҳокимлиги	х	туман ҳокимлиги очилган “Фуқаролик жамғ'армаси” ҳисобварағ'ига
2	Аёллар дафтари	Туман ҳокимлиги	х	Аёллар жамғ'армаси
4	Ёшлар дафтари	Туман ҳокимлиги	х	Ёшлар жамғ'армаси
5	Туман ҳокимлиги	Туман ҳокимлиги	х	ВМ-459-сонли ижтимоий ҳимоят аҳолининг ипо
6	О'зини о'зи бошқариш органлари	Маҳалла маркази	х	ПФ-6324 га ФО (МФЙ) ходимлар рағ'батлантириш 3%
7	Туман ҳокимлиги	Туман ҳокимлиги	х	Молия вазирлиги йилдаги 03-34, асосан ер учат сотишдан туш ортиқча тушга агентлигига қа
8	Туман ҳокимлиги	Туман ҳокимлиги	х	Туманнинг оғ'ир маҳаллаларини хо'жаликларар тошлаш учун Ё учун

9	Туман ҳоқимлиги	Туман ҳоқимлиги	х	Туман Ҳоқимлиги техника базаси учун
11	Туман ҳоқимлиги	Туман ҳоқимлиги	х	Ко'зи ожизлар ҳақи ва иш ҳақи ажратмалари у
	<b>Жами</b>	<b>Жами</b>	<b>910 100</b>	<b>х</b>